

# ОБУНА ШАРТНОМАСИ № 21/210

Термиз т

“19” январ 2022 йил

## Шартнома тузувчи томонлар

“Матбуот тарқатувчи” МЧЖ бундан буён «Обуна қилувчи» деб юритилувчи номидан директори Т.Жўраев бир томондан, ва Видеорекламно-аудио К/Ш бундан буён «Обуначи» деб аталувчи номидан раҳбари И. Саидов иккинчи томондан қуйидаги мазмунда ушбу шартномани тузди.

### 1. Шартнома предмети

1.1. «Обуна қилувчи» ушбу шартномага асосан 2022 йил обуна нашрларини «Обуначи»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги нашрларни 2022 йил давр ичида етказиб беради. «Обуначи» етказиб берилган нашрларни қабул қилиб олиб, тўлов ҳужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштиради. «Обуначи» тўлов ҳужжатларига асосан белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда ҳисоб рақамидан тўловларни амалга оширади.

### 2. Шартнома баҳоси, нашрни етказиб бериш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

2.1. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 15% ҚҚС билан 100 631 575 (бир юз миллион олти юз ўттиз бир минг беш юз етмиш беш) сўми ташкил этади.

Етказиб бериладиган нашрларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори ва нархи қуйидагича:

№	Индекс	Газеталар номи	Обуна муддати	Сони	Йиллик нархи	Умумий суммаси
1	238	Китоб дунёси	йиллик	10	314500	3145000
2	150	Марифат	йиллик	10	551600	5516000
3	424	Даракчи	йиллик	80	350000	28000000
4	346	Бекажон	йиллик	80	338592	27087360
5	899	Фан ва турмуш	йиллик	10	746592	7465920
6	867	Саодат	йиллик	10	424767	4247760
7	823	Ёш куч	йиллик	10	424776	4247760
8	565	АиФ	йиллик	1	612672	612672
9	220	Ўзбекистон овози	йиллик	1	480600	480600
10	100	Адолат	йиллик	1	634500	634500
11	186	Норма маслаҳатчи ва СБХ	йиллик	9	2132667	19194003
<b>ЖАМИ</b>						<b>100631575</b>

2.2. «Обуна қилувчи» билан «Обуначи» ўртасида «Обуначи»нинг ёзма талабномаси (буюртмаси) дан келиб чиқиб, етказиб бериладиган нашрларни миқдори ва нархини келишуви имзоланади ҳамда ушбу келишувлар мазкур шартноманинг узвий қисми ҳисобланади.

2.3. «Обуначи» етказиб бериладиган нашрлар учун ҳисоб-китобни шартнома имзоланиб, ҳудудий маънафит бўлишида риёхатга олинган кундан бошлаб 15 (ўн беш) банк куни ичида 100% миқдордаги суммани «Обуна қилувчи»га толдиндан тўлаб беради.

2.4. «Обуначи»га нашрлар «Обуна қилувчи»нинг ходимлари орқали етказиб берилади.

2.5. «Обуна қилувчи» тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда нашрларни етказиб беради.

2.6. «Обуна қилувчи» томонидан «Обуначи»га мазкур шартноманинг умумий қийматидан ортик суммада нашрларни етказиб берилган ҳолатларда, шартнома умумий суммасидан ортик қисми учун ҳақ тўламайди, томонларнинг ўзаро ёзма қўшимча келишувига асосан етказиб берилган ҳолатлар бундан мустасно.

### 3. Шартномани бажарилиши.

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган ҳисобланади.

3.2. «Обуначи» илгари берилган талабнома (буюртма)ни бекор қилишга ёки нашрларнинг тегишли туркумланини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Обуна қилувчи» ни талабномада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 (бир) ой олдин хабардор қилади.

3.3. «Обуначи» муддатлар бузилган ҳолларда етказиб берилган нашрларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

3.4. «Обуначи» «Обуна қилувчи» томонидан нашрларни ўз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсиз, муддати ўтган нашрларни етказиб берилган ҳолатларда шартномани «Обуна қилувчи»ни ёзма хабардор қилган ҳолда бир томонлама бекор қилиш мумкин. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро қўшимча келишувларига мувофиқ қилинади.

### 4. Томонларнинг мажбуриятлари. «Обуна қилувчи» нинг мажбуриятлари.

4.1. «Обуна қилувчи» етказиб бериладиган нашрларнинг сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ бўлишини ҳамда тегишли сертификати ёки таҳлил баёнига эга бўлишини ва ўзаро келишилган миқдорда бўлишини таъминлайди.

4.2. Нашрларни қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни «Обуначи» талабига мувофиқ 3 кун муддатда бартараф этади.

4.3. «Обуна қилувчи» шартномада кўрсатилган нашрларни босмадан чиққан вақтдан бошлаб уч кун муддатдан кечиктирилмаган ҳолда «Обуначи» манзилига етказиб берилишини таъминлайди.

### «Обуначи» нинг мажбуриятлари

4.4. Ўз талабномаси бўйича етказиб берилган нашрларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш.

4.5. Нашрларни мазкур шартноманинг қўшимча келишувларида кўрсатилган нарх бўйича белгиланган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштиради.

## 5. Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик.

5.1. Нашрларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, «Обуна қилувчи» «Обуначи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 % идан ошиб кетмаслиги лозим. Пеня тўлаш «Обуна қилувчи» ни нашрларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан сзод этмайди.

5.2. Етказиб берилган нашрлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «Обуна қилувчи» га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизли миқдорда, ammo кечиктирилган тўлов суммасининг 50 %идан ортик бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

## 6. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Келишмовчилик ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қондага кўра мустақил равишда низоларни ҳал этишни иқтисодий судлар орқали ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита вилоят Иқтисодий судига мурожаат этишга ҳақлидир.

## 7. Форс-мажор.

7.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиغان ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

## 8. Шартномани амал қилиш муддати

8.1. Мазкур шартнома имзоланиб, ҳудудий газначилик бўлинмасида тегишли равишда рўйхатга олинган кундан кучга кирази ва 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амалда бўлади.

8.2. Мазкур шартнома 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, ҳар икки томон учун бир хил ҳуқуқий кучга эга.

## 9. Томонларнинг манзиллари ва реквизитлари

«Иш бажарувчи»

«Матбуот тарқатувчи» ШК

Манзил: Термиз ш. И.Каримов к. 154-уй

Тел. 76 221-91-18, 99 711-61-21

ИНН 201317516

Х/р 20210 000 600 359 662 001

Термиз ш. ЎзСаноатқурилишбанк

МФО 01045

ОКНХ 71150

Раҳбар

Т.Жураев

Юрист:

Вилоят руҳий-асаб  
шифохонаси

19.01.2022

«Обуначи»

Вилоят руҳий-асаб

Манзил: Термиз ш. И.Каримов к. 154-уй

Телефон:

ИНН 201466102 ОКНХ: 91511

ШХВ: 40032186 0222207073201054002

Молия вазирлиши Газначилиги

ИНН: 201122919

х/р: 23402000300100001010

Банк: МБ-Тошкент ш. ХККМ МФО: 00014

Раҳбар

М.Саидов



Вилоят руҳий-асаб  
шифохонаси  
Юрист:  
А.Қаюмов